

VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 14123 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 13985 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 99,0 фоиз ни ташкил қилди.


Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Навоий шаҳрида (27,9 фоиз), Қизилтепа (11,4 фоиз), Кармана (16,4 фоиз) ва Хатирчи (10,8 фоиз) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2019 йил 1 июль ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Навоий вилояти	14123	100,0	13985	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	3943	27,9	3896	27,8
Зарафшон	1042	7,4	1031	7,4
<i>туманлар:</i>				
Конимех	453	3,2	448	3,2
Қизилтепа	1603	11,4	1590	11,4
Навбахор	1249	8,8	1235	8,8
Кармана	2323	16,5	2311	16,5

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Нурота	1115	7,9	1100	7,9
Томди	254	1,8	251	1,8
Учқудуқ	610	4,3	602	4,3
Хатирчи	1531	10,8	1521	10,9

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, (фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг

23,6 фоиз), саноат (17,0 фоиз), қурилиш (8,2 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (11,0 фоиз) соҳаларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**
(2019 йил 1 июль ҳолатига)


	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Жами	14123	100,0	13985	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1547	11,0	1538	11,0
саноат	2400	17,0	2381	17,0
қурилиш	1157	8,2	1153	8,3
савдо	3326	23,6	3303	23,6
ташиш ва сақлаш	537	3,8	534	3,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1102	7,8	1093	7,8
ахборот ва алоқа	171	1,2	171	1,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	245	1,7	243	1,7
бошқа турлари	3638	25,7	3569	25,6

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (фоизда)**




Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 99,0 фоизни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 1,0 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, (фоизда)



01.07.2018 йил

фаолият кўрсатаётган



01.07.2019 йил

фаолият кўрсатаётган


2019 йил 1 июль ҳолатига 11926 та тижрат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 3785 та, оилавий корхоналар – 1813 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 6090 та, акциядорлик жамиятлари – 20 тани ва 218 тани бошқа тижрат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий- ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда



2019 йилнинг январь-июнь ойларида жами 3064 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 баробар кўпроқ бўлиб, янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (673 та), Кармана (406 та), Хатирчи (419 та), Навбахор (259 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса Томди (64 та), Конимех (97 та), Нурота (185 та) туманларига тўғри келади.

**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар
ва ташкилотларнинг сони, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 35,7 фоиз, саноатда 22,4 фоиз, қурилишда 6,9 фоиз ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 12,1 фоизни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турларида янги ташкил этилган корхоналар
ва ташкилотларнинг улуши, %да**



2019 йил 1 июль ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 11853 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42,7 фоизга ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 3369 таси (жами субъектларнинг 28,4 фоизи) Навоий шаҳри, 2063 таси (17,4 фоизи) Кармана, 1351 таси (11,4 фоизи) Қизилтепа, 1213 таси (10,2 фоизи) Хатирчи ҳамда 1039 таси (8,8 фоизи) Навбахор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 179 таси (1,5 фоизи) Томди, 325 таси (2,7 фоизи) Конимех, 493 таси (4,2 фоизи) Учқудук туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)
(2019 йил 1 июль ҳолатига)


	Жами	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	Фаолият юритаётган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	Фаолият юритмаётган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	2019 йил январь- июнда янгидан ташкил этилган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	2019 йил январь- июнда фаолияти тулғатилган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони
Вилоят бўйича	11932	12,3	11853	12,2	79	0,1	2972	3,1	215	0,2
<i>шаҳарлар:</i>										
Навоий	3381	24,9	3369	24,8	12	0,1	642	4,7	55	0,4
Зарафшон	909	11,1	902	11,0	7	0,1	344	4,2	22	0,3
<i>туманлар:</i>										
Кармана	2073	16,6	2063	16,5	10	0,1	395	3,2	25	0,2
Конимех	330	9,5	325	9,3	5	0,1	92	2,6	6	0,2
Қизилтепа	1357	9,2	1351	9,2	6	0,0	390	2,6	39	0,3
Навбахор	1048	9,6	1039	9,5	9	0,1	248	2,3	13	0,1
Нурота	933	10,3	919	10,2	14	0,2	182	2,0	17	0,2
Томди	181	12,5	179	12,3	2	0,1	62	4,3	4	0,3
Учкудук	500	13,5	493	13,3	7	0,2	200	5,4	14	0,4
Хатирчи	1220	6,3	1213	6,3	7	0,0	417	2,2	20	0,1

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
худудлар бўйича сони**

	2018 йил 1 июль ҳолатига		2019 йил 1 июль ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Навоий вилояти	8307	100,0	11853	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	2574	31,0	3369	28,4
Зарафшон	525	6,3	902	7,6
<i>туманлар:</i>				
Конимех	192	2,3	325	2,7
Қизилтепа	928	11,2	1351	11,4
Навбахор	720	8,6	1039	8,8
Кармана	1542	18,6	2063	17,4
Нурота	683	8,2	919	7,8
Томди	107	1,3	179	1,5
Учкудук	289	3,5	493	4,2
Хатирчи	747	9,0	1213	10,2

Фаолият кўрсатаётган жами 11853 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 3291 таси (27,8 фоизи) – савдода, 2350 таси (19,8 фоизи) - саноатда, 1505 таси (12,7 фоизи) - кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 1151 таси (9,7 фоизи) - қурилишда, 1092 таси (9,2 фоизи) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 523 таси (4,4 фоизи) - ташиш ва сақлашда, 183 таси (1,5 фоизи) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 160 таси (1,3 фоизи) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1598 таси (13,6 фоизи) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келди.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
иктисодий фаолият турлари бўйича улуши, (фоизда)**




2019 йил 1 июль ҳолатига Зарафшон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 0,8 фоизни (7 та), Навбахор туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 0,9 фоизни (9 та), Нурота 1,5 фоизни (14 та), Учқудук 1,4 фоизни (7 та) ва Томди тумани 1,1 фоизни (2 та) ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 215 та кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 21 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 9,8 фоиз) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2019 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 166 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 95 тага ёки 233,8 фоизга (2,3 марта) ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 102 таси қўшма корхоналар, 64 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий шаҳри 61 та (36,8 фоиз) ва Кармана 35 та (21,1 фоиз) тумани ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Томди 3 та (1,8 фоиз), Учқудуқ 6 та (3,6 фоиз), Конимех 6 та (3,6 фоиз), Қизилтепа 8 та (4,8 фоиз), ва Навбаҳор 9 та (5,4 фоиз) туманларига тўғри келди.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши (2019 йил 1 июль ҳолатига)

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Навоий вилояти	166	100,0
<i>шаҳарлар:</i>		
Навоий	61	36,8
Зарафшон	11	6,6
<i>туманлар:</i>		
Конимех	6	3,6
Қизилтепа	8	4,8

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Навбахор	9	5,4
Кармана	35	21,1
Нурота	17	10,3
Томди	3	1,8
Учкудук	6	3,6
Хатирчи	10	6,0

Фаолият кўрсатаётган 166 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 99 таси (59,6 фоиз) саноат, 14 таси (8,4 фоиз) савдо, 26 таси (15,7 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 2 таси (1,2 фоиз) ташиш ва сақлаш, 8 таси (4,8 фоиз) қурилишда, 4 таси (2,4 фоиз) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 1 таси (0,6 фоиз) Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 12 таси (7,3 фоиз) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2019 йил 1 июль ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Жами	133	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат	79	59,4
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	18	13,5
қурилиш	5	3,8
савдо	9	6,8
ташиш ва сақлаш	3	2,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5	3,7

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Ахборот ва алоқа	1	0,8
Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1	0,8
бошқа турлари	12	9,0

2019 йилнинг январь-июнь ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 19 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 тага кўпайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 4 та, Хитой Халқ Республикаси - 2 та, Эрон Ислом Республикаси – 2 та, Корея Республикаси - 2 та, Индонезия Республикаси – 1 та, Ҳиндистон Республикаси - 1 та, Тожикистон - 1 та, Туркия - 1 та, Туркменистон – 1 та, Америка Қўшма штатлари – 2 та, Қозоғистон Республикаси – 2 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

19 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий (10 та) ва Зарафшон (2 та) шаҳарларида, Қизилтепа (2 та) Кармана тумани (2 та), Конимех (1 та) ва Навбаҳор (1 та), Нурота (1 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Навоий вилояти	52	100,0
<i>шаҳарлар:</i>		
Навоий	15	28,9
Зарафшон	3	5,8
<i>туманлар:</i>		

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Конимех	2	3,8
Қизилтепа	2	3,8
Навбаҳор	3	5,8
Кармана	9	17,3
Нурота	6	11,6
Томди	2	3,8
Учқудук	5	9,6
Хатирчи	5	9,6

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 32 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 9 та, савдода 1 та, Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 1 та, қурилишда 4 та, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 1 та ва бошқа фаолият турларида 4 та ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда



2019 йил 1 июль ҳолатига 5 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобланиб, шундан Навоий шаҳри (2 та), Зарафшон шаҳри (1 та), Нурота тумани (1 та) ва Томди тумани (1 та) ҳиссасига тўғри келди.

Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йил 1 июль ҳолатига 1818 тани ташкил этиб, улардан 1813 таси ёки 99,7 фоиз фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 2,9 марта ошганлигини таъкидлаш лозим.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда

